

ОНА ТИЛИ ВА ЎҚИШ САВОДХОНЛИГИ ДАРСЛАРИДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ЎҚИБ ТУШУНИШ КҮНИКМАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ТАҲЛИЛИ

Пишаддинова Шахноза

Ажиниёз номидаги НДПИ

Бошлангич таълим факультети

1-А гурух талабаси


Аннотация: Мақолада асосан бошлангич синф ўқувчиларининг ўқиши саводхонлигини оширишида Она тили ва ўқиши саводхонлиги дарслик-ларининг ўқиб тушуниси жараёнларини қамраб оладиган материалларнинг таҳлили ҳақида баён этилади.

Калим сўзлар: Матн, ўқиб тушуниси, медиа матн ва медиа маҳсулот

Бизга маълумки, таълим жараёнинг асосий қуроли дарслик ҳисобланади. Шу сабабли, аксарият ўқитувчилар дарслик мазмунидан четга чиқмасдан, унда берилган матнлар, матн остидаги савол ва топшириқлардан фойдаланиб ўз дарсларини ташкиллаштирадилар.

Ўқиши саводхонлигини шакллантиришдан кўзланган асосий мақсадлардан бири ўқувчиларда бадиий тажриба орттириш эканлигини ҳисобга олган ҳолда бундай матнлар билан ишлаш жараёнида матннинг бадиий жиҳатларига эътиборни қаратиш жуда зарур. Бу борада методист олима К.Мавлонованинг фикрлари ўринли айтилган деб ўйлаймиз: “Кузатишлардан маълум бўлишича, ўқитувчилар кўпинча оддий ўқув матнларига қандай муносабатда бўлсалар, машқ материали бўлмиш бадиий матнларга ҳам шундай муносабатда бўладилар. Чунончи, улар ўқувчиларга мантдан ўтилаётган мавзуга доир ўрганилаётган тил ҳодисасини аниқлаш ва изоҳлаш каби вазифаларни топширадилар. Баъзан машқ шартига кўра бирор тарбиявий жиҳатта тўхталадилар. Лекин аксарият ҳолатларда бадиий матннинг экспрессивлигини таъминлаган тил хусусиятларини таҳлил қилмайдилар” [1]. Ўтказилган сўровнома натижалари ушбу хulosаларни тасдиқлади. Чиндан ҳам ўқитувчиларнинг жуда катта қисми, яъни 72%и дарсликда берилган матн билан ишлаганда шундай жиҳатларни инобатга олмайдилар, ёзучининг маҳорати, ушбу маҳоратни юзага чиқарувчи воситалар кўпинча ўқитувчининг эътиборидан четда қолади.

Шунингдек, бошлангич синф ўқувчиларида ўқиши саводхонлигини шакллантиришдан кўзланган яна бир мақсад **ахборотларни ўзлаштириш ва ундан фойдаланиш** билан боғлиқ амалий кўникларни шакллантириш саналади. Шу маънода тил таълимида айнан шундай мазмунга эга бўлган матнлар билан танишиш, улар устида ишлаш бўйича мутахассисларнинг қуидаги кўрсатмалари мавжуд:



1. Медиа-матнларни таҳлил қилиш, танқидий англаш ва яратиш.
2. Медиа-маҳсулотларнинг манбаларини (сиёсий, иқтисодий, маданий) топиш, хусусиятларини аниқлаш ва уларнинг асл мазмун-моҳиятини ўрганиш.
3. Медиа-маҳсулотни тушуниш.
4. Шахсий медиа-маҳсулотларни яратиш, тарқатиш ва уларга қизиқадиган аудиторияга эга бўлиш.
5. Ўрганиш ҳамда яратилган маҳсулотнинг ҳаёт тарзини аниқлаш [2].


Ўтказилган сухбатлар давомида ўқитувчиларнинг ушбу кўрсатмаларга қай даражада риоя этишлари юзасидан ҳам ўрганиш ишлари олиб борилди, ўқувчиларнинг аксариятида айнан шу йўналишдаги матнларга қизиқишининг борлиги, аммо ўқитувчиларда шундай мазмун ва мақсаддаги топшириқларни ишлаб чиқиши билан боғлиқ муаммоларнинг мавжудлиги аниқланган.

Сўровномадаги “**Кўйида берилган таърифларнинг қайси бири ўқиши саводхонлиги малакасига мос келувчи ЭНГ ТЎҒРИ таъриф хисобланади?**” мазмунида берилган саволга ўқитувчиларнинг аксарияти (67%) “Жамият томонидан талаб қилинадиган ва инсон томонидан қадрланадиган ёзма тилнинг шаклларини идрок этиш ва амалиётда қўллай олиш қобилияти” дея тўғри жавоб беришган. Бу эса бугунги қуннинг ўқитувчилари ушбу саводхонлик даражаси ҳақидаги бошланғич назарий билимларни яхши эгаллашганини билдиради.

Амалдаги дарсликлар ўқиши саводхонлиги малакасини шакллантиришга қай даражада мос келиши сўралганда эса ўқитувчиларнинг 55%и янги “Она тили ва ўқиши саводхонлиги” дарсликларининг мос келиши ҳақида фикр билдирганлар. 4-синф дарсликлари ҳақида эса қисман мос келади (28%) ёки мос келмайди (35%) сингари жавобларни кўпроқ белгилашган. Изоҳ сифатида эса матн билан ишлашга оид топшириқларнинг етишмаслиги ҳақидаги фикрларини келтиришган.

Сўровномадаги 4-савол (Дарс жараёнида ўқиши саводхонлигини шакллантиришга оид методик қўлланмалардан фойдаланишга зарурият бор деб ҳисблайсизми?) га ўқитувчиларнинг жуда катта қисми(71%) “Ҳа, бу борада янги методик қўлланмалар яратилса мақсадга мувофиқ” жавобини белгилашган.

Сўровноманинг 5-(Ўқиши саводхонлигини шакллантириш учун дарсликларга қандай услуб ва шаклдаги матнларнинг киритилиши мақсадга мувофиқ деб ҳисблайсиз?) бандида берилган саволга ўқитувчиларнинг аксарияти бадиий услугдаги, миллий қадриятларимиз, улуғ



аждодларимиз, урф-одатларимиз тарғиб қилинган мазмунга эга бўлган матнларни киритиш таклифини беришган. Турли услуг ва шаклга эга бўлган (ахборот матнлари, диаграмма, жадвал, инфографика, йўриқнома, графикли маълмотлар ва х.) матнларни киритиш ҳақидаги таклифларни деярли учратмадик.


“Ўқиши саводхонлигини шакллантириш бўйича қандай таклифларингиз бор?” деган мазмунда берилган саволни ўқитувчиларнинг аксарият қисми очиқ қолдиришни маъқул қўрган. Айрим ўқитувчиларгина матнлар билан ишлашга оид савол ва топшириқларни кўпайтиришни, алоҳида тўгарак машғулотларини олиб бориш кераклигини, ота-оналар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш кераклиги билан боғлиқ тавсияларни беришган.

Сўровноманинг сўнгги топшириғи ўқитувчиларнинг ўқиши саводхонлиги билан боғлиқ амалий кўникмаларини синовдан ўтказишга қаратилган эди. Унга кўра ўқитувчилар берилагн матн учун тузилган топшириқлар ўқувчидағи қайси кўникмани шакллантиришга хизмат қилаётганлигини аниқлашлари сўралган. Ўқитувчиларнинг аксарияти фақатгина очиқ шаклда берилган маълумотларни аниқлашга қаратилган топшириқнинг мақсадини яхши англай олганлар, қолганларида эса чалкашликлар юзага келган.

Келтирилган тавсиялар юзасидан алоҳида ўрганиш ишларини олиб борганимизда эса яна бир амалиётчи ўқитувчининг матнни ўқишида юзага келиши мумкин хатоларнинг олдини олиш борасидаги тавсиялари билан танишдик. Унга кўра юқоридагилардан фарқли равишда қўйидаги мазмундаги кўрсатмаларни бажариш кераклиги тавсия этилган [1]: тузилиши мураккаб сўзларни бўғинлаб ўқилишини машқ қилдириш, вазифаларни аниқ ва тушунарли қилиб бериш, олдин ичда ўқитиш, сўнг овоз чиқариб ўқиши, ўқитишда ўқувчиларнинг индувидуал хусусиятларини ҳисобга олиш ва х.

Қолаверса, сўровноманинг айрим бандлари билан боғлиқ бўлган қўйидаги тавсиялар келтрилган мақола билан танишдик. Амалиётчи ўқитувчилардан бири ўқиб тушуниш нутқий кўникмасини ривожлантиришда матн сарлавҳасига эътибор қаратиш, диққатни жамлаш, матнни хатосиз ва равон ўқиши, матнни ўқиши баробарида тасаввурни ишга солиш, изоҳталаб сўзларни ёндафттарга қайд этиш, матнни қайта ўқиши каби бир нечта методик кўрсатмалардан фойдаланишини айтган [2].

Шунингдек, сўровнома натижаларига кўра она тили ва ўқиши дарсларида ўқиши саводхонлигини шакллантиришга оид тавсиялар: берилган кичик ҳикоялар устида ишлаш, яъни ифодали ўқиши, матнни қайта ҳикоялаш, луғат устида



ишишдан ташқари айрим ўқитувчилар **савол-жавоб** воситасида хикоядаги вөкөа-ходисалар билан образлар хатти-харакатидаги ички боғланишни аниклаш [3] кабилар билан боғлиқ тавсияларни ҳам ишлаб чиққанлиги ва амалиётда ушбу усуллар самара бераётгандылығы ҳақидаги маълумотлар билан танишдик. Сўровнома натижалари эса бундай ноодатий усуллардан ҳамма ўқитувчилар ҳар доим ҳам фойдаланилмаслигини кўрсатди. Бундай хуносага келганимизнинг сабаби амалиётчи ўқитувчиларнинг деярли ярми сўровномада берилган З-савол (**Дарс жараёнида ўқиш саводхонлиги малакасини шакллантириш учун кўпроқ қандай усуллардан фойдаланасиз?**)га асосан ўқувчидан тушунгандарини қайта сўзлаб беришини сўраш билан чегараланиши айтган.


Демак, сўровнома натижаларига кўра ўқитувчилар ўқиш саводхонлиги кўникмаси, уни шакллантиришдан қўзланган асосий мақсадни аллақачон тушуниб ултурганликлари, аммо уни шакллантириш билан боғлиқ методик кўрсатмалар, қўшимча қўлланмалар ва амалий тавсияларга эҳтиёж мавжудлиги аниқланди.

Ўқиш жараёни ilk мактаб ёшиданоқ бошланадиган жараён бўлиб, ушбу жараён бир қанча педагогик ва психологик омилларга боғлиқ саналади. Ушбу жараённи ҳаётий кўникмаларни шакллантириш билан боғлиқ ҳолатда олиб бориши учун алоҳида методик кўрсатмаларга риоя этилиши зарур ҳисобланади. Юқорида амалдаги “Она тили ва ўқиш саводхонлиги” дарслекларининг бу борадаги мазмуни, “Она тили” ва “Ўқиш” дарслигининг имкониятлари ҳақида таҳлилий фикрларимизни келтирдик.

Бундан ташқари, бизда тажриба-синов ишиларини ташкиллаштиришга оид кўрсатмалар билан танишиш, уни ўтказишида эътиборга олиниши керак бўлган жиҳатларга алоҳида аҳамият қаратиш мақсадида шу кунгача бўлган даврда ўқувчиларнинг ўқиш саводхонлиги малакаларининг шаклланганлик даражасига оид тажриба-синов ишиларининг олиб борилиши билан боғлиқ маълумотлар билан танишиш эҳтиёжи пайдо бўлди.

Ўрганишларимиз давомида 5-синф ўқувчиларинг бу борадаги натижалари билан боғлиқ ҳолда берилган маълумот билан танишдик. 5-синф ўқувчилари бошланғич синфи тамомлаб, энди янги босқичга чиққан ўқувчилар бўлганлиги учун ушбу натижалар ҳақидаги хуносаларни диссертациямизда келтиришни жоиз деб топдик.

Ушбу таҳлилга кўра, тадқиқотчи ўқувчиларнинг ўқиш билан боғлиқ малакаларини 4 асосий груп (тушуниш, мулоҳаза юритиш, муносабат



билдириш, талқин қилиш)га ажратган бўлиб, унда 5-синф ўқувчилари айнан муносабат билдириш ва фойдаланиш билан боғлиқ малакаларни шакллантиришга қаратилган топшириқларни бажаришда кўп муаммога дуч келганлиги ҳақида маълумотларни келтирган¹. Умуман олганда, биз олиб борган таҳлилларга кўра ҳам дарслерда шундай мазмундаги топшириқлар етишмаслиги ҳамда ўқувчилар ахборотларни талқин қилиш ва умумлаштириш билан боғлиқ топшириқларни бажаришда қийинчиликларга учрагани аниқланди.

Яна бир олиб борилган тадқиқот ҳам 5-синф ўқучиларига хос бўлиб, бошланғич синф битирувчиларига хос кўрсаткич сифатида ушбу маълумотларни ҳам ишимизнинг ушбу бобида беришга қарор қилдик. Унга кўра олиб борилган тажриба дарслари, дарсларда қўлланган турли топшириқлар ёрдамида матнни тушуниш, ундаги асосий воқеаларга, керакли элементларга эътиборли бўлиш кўникмаси устида иш олиб борилган. Натижада матнни тушуниш даражаси 20 %гача ошган. Ўқувчиларнинг хатога йўл қўйиш сабабларидан бири сифатида эса ўқувчиларнинг айни дамдаги психик ҳолатлари билан боғлиқ омиллар келтирилган [4].

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ўқувчиларнинг ўқиб тушуниш билан боғлиқ қўникмалари етарли даражада шаклланмаган, ўқувчилар учун бундай шаклдаги савол ва топшириқлар янги бўлганлиги учун уларни бажаришда жуда кўп қийинчиликларга дуч келдилар (тўлиқ таҳлил ишнинг 3-бобида келтирилади). Айниқса, батафсил жавобни талаб қилувчи ёзма топшириқларни бажаришда ўқувчилар матнда берилган маълумотлар асосида эмас, матн мазмунидан четга чиқиши, ўз шахсий қарашлари асосида воқеа ва ҳодисларни изоҳлаш ҳолатлари, ўз фикрини асослаш билан боғлиқ топшириқларни бажаришда эса матндан асос келтиришда муаммоларга учраганлар.

Адабиётлар:

1. К.Мавлонова. Монография. Toshkent – 2020
2. http://uz.infocom.uz/2015/12/14/media-ta'limning-asosiy_tushunchalari.
3. Nutqiy kompetentlik: o‘qib tushunish ko‘nikmasini rivojlantirish. D.Nurmuhamedova, Xalq ta’limi a’lochisi, Surxondaryo viloyati Termiz shahar 23-maktab ona tili va adabiyot fani o‘qituvchisi. “O‘zbek amaliy tilshunosligi va lingvodidaktikasi masalalari” mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya materiallari (2021-yil 20-oktabr) Toshkent – 2021
4. Ф.Шаропова. Bitiruv malakaviy ishi Toshkent – 2021